

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**УЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ КУРИШ АСОСЛАРИ
КАФЕДРАСИ**

МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ГОЯСИ ФАНИДАН

РЕФЕРАТ

Тузувчи: Ачилов. Ш

ЖИЗЗАХ-2010

МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Миллий ғоянинг миллий тамойиллари.
2. Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари.
3. Миллий-маънавий қадриятларга умуминсонийликнинг акс этиши

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. Ўзбекистон 2003.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т.6. 31-40, 125-135, 149-162 б.
3. Каримов И.А. “Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.Т.”Ўзбекистон” 1999.Т.7.84-102 бетлар.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир Т.8.Т.”Ўзбекистон” 2000.489-508 бетлар.
5. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 6-12, 14-26, 47-48-б.
6. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”.Т-8.462-467 б.
7. Каримов И.А. “Эғали юрт эркини бермас” Т.9.Т.Ўзбекистон 2001 70-98 б.
8. Каримов И.А. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги сўз боши. Т.9.Т. “Ўзбекистон” 2001 220-224 б.
9. Каримов И.А. “Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 жилд.Т.Ўзбекистон 2003.
10. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш – ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Андижон вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. “Ишонч”, 2004 йил 26 май.
11. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Сунхондарё вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. “Халқ сўзи”, 2004 йил 2 июнь.
12. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” 13 жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
13. Каримов И.А. “Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
14. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш фаровон ҳаётимиз гаровидир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
15. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
16. Имом Бухорий “Ҳадис” 4 жилдлик Т.1992.
17. Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ Т.1994.
18. Фитрат Нажот йўли.-Т.: “Шарқ”, 2001.
19. Азизхўжаев А. Мустақиллик ва курашлар, изтироблар, қувончлар. –Т.: “Шарқ”, “Академия”, 2001.
20. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

Миллий истиқлол ғоясининг маъно мазмуни ва унинг миллат ҳаётидаги ўрнини мукамал тушуниб етиш учун энг аввало, унга замин бўладиган назарий ва амалий негизни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга молик. Шу нуқтаи назардан, миллий истиқлол

ғоясининг тарихий, фалсафий илдизлари унинг тумойиллари ҳам бир-бири билан узвий боғлиқликдадир. Уларнинг узвий боғлиқлиги негизида умуминсоний қадриятлар устуворлиги ётади. Демак, унинг асосий тамойилларидан бири ирсонпарварлик ғояси билан боғлиқдир. Дарҳақиқат бугунги кунда бу сўзни жуда кўп ишлатамиз. Шу ўринда нега инсонпарварлик миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири бўлиб бормоқда, деган савол туғилади. Бкнинг биринчи сабаби мустақиллик туфайли инсонпарвар ва демократик жамият барпо этиш имконияти пайдо бўлди. Ана шу имкониятни воқеликка айлантиришда иккита муҳим масалани ҳал этиш зарурати вужудга келди.

Улардан биринчиси -одамларнинг онги ва тафаккуридаги мустабид тузум асоратларидан, унинг ғайриинсоний ғояларидан, шунингдек, якка мафкурачилик тамойилидан тозалашдир. Бунга эришишнинг бир қатор йўналишлари мавжуд. Энг муҳими, янги жамиятда инсонинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларини шакллантиришдан иборатдир. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нукта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.

Иккинчи сабаби – инсонпарварлик тамойилида умумбашарий тамойиллар билан бир қаторда миллат тафаккури, руҳияти ва фикрлаш тарзи, қарашлар хилма – хиллиги ўзаро уйғунлаштирилади. Бу жараён мамлакатимиз тараққиётида барқарорлик, хавфсизлик масалалари билан ҳамжихатликда туташган ҳолда намоён бўлади.

Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари ҳақида фикр юритганда мустақиллик йилларида инсонпарварлик масаласининг устувор йўналишига эга бўлаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Мълумки инсонпарварлик ҳақида жуда кўплаб Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ўз фикрларини баён этишган. Масалан, қадимги хитойда илк инсонпарварлик ғоясининг ижтимоий фикрлари Конфуций (э.о. 511-479й.) таълимотида қадимги Марказий Осиёда “Авесто” китобида, буддизм динида, Христиан дининг ажр ғояси, яъни жафокашлар ва бечораларга илоҳий салтанатда бахт ва озодлик беришни ваъда қилганлиги, ислом динида етти ақидада ўз ифодасини топган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқдаги “Инсонпарварлик ҳуқуқи” атамаси ҳам мавжудки, ушбу атама биринчи марта қуролли можаро юзага келган ҳолатда маданий қадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда ишлатилган эди.

Миллат тақдирига дахлдор бўлган ғоялар энг аввало, миллий замин билан боғлиқ бўлади. Унга таянмаган, ундан баҳра ололмйдиган ёки ундан узилиб қоладиган ғоялар миллат манфаатларига хизмат қила олмайди.

Бу жараёнда икки муҳим қонуният амал қилади:

Биринчи қонуният миллатнинг ўзига хос хусусиятлар ва менталитетга эга эканлиги. Улар миллат тараққиёти ва истикболи учун асосий манба ҳисобланади. Ўз негизлари асосида ривожланиш йўлидан бормайдиган миллат истикболда, ўзлигини йўқотади. Уни ҳисобга олиш, амал қилишни миллатнинг ўз негизларига таяниб ривожланиш қонунияти деб айтиш мумкин бўлади.

Иккинчи қонуният ҳар қандай жараёнларда бўлгани каби миллий ривожланишда ҳам ворислик қонуни амал қилади. Унинг мазмуни шундаки, барча жараёнлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар шу йўналишда мавжуд бўлган олдингилари билан боғлиқ бўлади. Унинг негизида вужудга келади, ундан кейинги тараққиёт учун хизмат қилиши мумкин бўлган элементларни қабул қилиш асосида, янгиси шакллана бошлайди. Бу жараён ворислик қонуни ҳисобланади.

2.Миллий ғоя негизлари фақат миллатнинг тор доирадаги заминлари билан чекланмайди. Шунинг билан бир қаторда умумбашарият эришган илғор ютуқларга ҳам таянади. Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ижтимоий ривожланишнинг қуйидаги тўртта асосий негизини белгилаб берган эди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсонинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик кабилардир.

Кўриниб турибдики, уларда миллий ғоя тамойиллари умуминсоний қадриятлар билан ўзаро уйғунлашиб кетган.

Тамойил бирор бир таълимот, дунёқараш ёки фаолиятнинг қатъий амал қиладиган қоидаси ва меъёрини англатувчи тушунча ҳисобланади.

Шу маънода ҳам миллий ғоянинг ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, улар асосида миллий ривожланишнинг долзарб вазифалари амалга оширилмоқда.

Миллий ғоянинг асосий тамойилларини қуйидагилар ташкил қилади:

-миллий онг, миллий тафаккурнинг ва миллий ўзликни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

-миллатни бирлаштиришга қаратилганлиги;

-миллат манфаатини ифодалаш:

-илғор миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларнинг мустахкамланиши ва ривожланишига асос бўлиши:

-миллий ғурур, ифтихор ва маъсулиятнинг шаклланиши ва мустахкамланишига замин бўлиши:

-кўп миллатли мамлакатимиз аҳолисида ягона Ватан руҳиятининг шаклланишига асос бўлиши:

-миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва кейинги авлодга етказишнинг маънавий руҳий манбаси бўлиши:

-ёшларимизда Ватанпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик маънавий руҳий салоҳиятини шакллантиришга қаратилганлиги;

-миллатимизнинг мустақил субъект сифатида мақомини акс эттириш;

-миллатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва тараққиётга маънавий- руҳий таянч бўлиши;

-миллатимизнинг ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллат ва элат вакиллари ўз атрофига уюштириш, улар билан тинч-тотув яшаш, уларга ҳурмат, эҳтиром билан қараш, ёрдам кўрсатиш, ҳамкорликни мустахкамлаш ва улар асосида ягона Ўзбекистон халқи туйғуларнинг шаклланишига манба бўлиши;

-миллатимизнинг замонавий цивилизацияларига муносиб ҳисса қўшишига маънавий – руҳий куч-қудрат ва илҳом бағишлаши;

-Ўзбекистон халқида миллий хавфсизлик ва миллий тараққиёт руҳини шакллантириш ва мустахкамлашнинг назарий асоси бўлиши;

-комил инсон ғоясини ўзида акс эттириш кабиларни ташкил қилади.

Миллий ғоя миллатнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини умуминсоний тамойилларни ўзида уйғун ҳолда акс эттириши билан характерланади. У умуминсоний тамойилларга зид эмас, балки унинг негизида, шаклланади. Яъни, миллий ғоянинг тамойиллари умуминсоний тамойиллар негизида шаклланмайди, аксинча миллий тамойилларнинг илғор, барча халқлар манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган жихатлари ҳисобига умуминсоний тамойиллар шаклланади.

Ана шу ҳулосага мувофиқ **миллий ғоянинг умуминсоний тамойиллари**ни қуйидагилар ташкил қилади;

-миллий маҳдудлик, агрессив миллатчилик ва шовинизмдан холи бўлиш;

-уруш оловини ёқиш, ўзга миллатларга зулм ўтказишдан холи бўлиш, мамлакатлараро беқарорликни вужудга келтириш воситасига айлантормаслик;

-адолат, тенглик, тинчлик, бунёдкорлик ва демократия ғояларини ўзида ифода эттириш;

-жаҳон халқлари яратган цивилизация ютуқларини асраш ва кейинги авлодга етказишда маънавий – руҳий омил бўлиш;

-инсониятга хавф солаётган глобал муаммоларнинг таҳдидини кенг ташвиқот қилиш ва қарши курашда жаҳон халқлари бирлигини вужудга келтиришга хизмат қилиш;

-диний бағрикенглик ғояларини ўзида ифодалаш;
 -инсон ҳақ-ҳуқуқларини, шахс эркинлиги ва ҳур фикрлилигини ҳимоя қилиш;
 -қонун устуворлигини, миллатлараро ҳамжихатликни ва сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга асос бўлиш;

-ҳар бир миллатнинг урф одатлари, анъаналари ва қадриятларини ҳурмат қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ўз миллати эришган ютуқларини уларга етказиш;

-вайронкор ва турли ғаразли ғояларга қарши кураш ва бунёдкор ғоялар ривожланишининг омили бўлиш кабилардир. Улар ўз мазмун ва моҳияти жиҳатдан ҳар бир миллий ғоя учун хос бўлган умуминсоний тамойиллардир.


3.Президент И.А.Каримов ўзининг “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир ” асарида шундай дейди: “Бизга ҳамиша маънавий куч қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аجدодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб аввайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлаш лозим. ”

Бугун халқимиз, айниқса ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда “Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла оламизми? ” деган даъваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Биз ёш авлодимизни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга , уларнинг умумбашарий тараққиёт ютуқлари , замонавий ютуқлари, замонавий билимларни ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаши учун барча шарт- шароитни яратиб беришимиз лозим.

Ёшларимизни ўз мустақил фикрига эга бўлган , барча соҳаларда дунёдаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, биз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари, мард ва жасур, комил инсонлар қилиб тарбиялаш-бу нафақат катта бахт, айти пайтда бу аввало ўзбек халқининг қадимий шухратини қайта тиклаш, унинг халқаро майдондаги обрў этиборини янада юксалтириш, ривожланган давлатлар сафидан ўрин эгаллашнинг асосий шарти ва гаровидир.

Миллий қадриятлар-миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жихати ва хусусиятлари билан боғлиқ қадрият шакллари. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи,яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.



Миллатнинг тарихи ва тарихий хотираси

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзда келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат катталарга хурмат, ҳаё, андиша, каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русмлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Маълумки қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий шакллар ва умуминсоний шакл ва мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий қадриятларнинг энг етуқлари ва миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб, умумиллий даражага кўтарилади. Миллий муҳит қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбаидир: у миллий қадриятларнинг энг яхшиларини вояга етазиб, жаҳон миқёсига олиб чиқади.

Миллий истиқлол мафкурасининг умумбашарий тамойиллари – унинг умуминсоний мазмунидан келиб чиқади.

Президент Ислон Каримов асарлари асосида тайёрланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида мафкурамиз таянадиган умумбашарий тамойил ва қоидалар кўрсатилган:



- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;
- қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;
- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қилади.

Ушбу қадриятлар асосида шаклланган истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларни миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади.

Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, дин ва қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди, халқимиз ўтмиши ва

келажagini бир-бири билан боғлайди, унинг асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса, мазкур мафкуранинг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.